



Аллох таоло айтади: «**Бас, (эй инсонлар), Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан – дўзахдан огоҳлантиридим**» (Вал-лайл: 14).

«Йўқ, (ҳеч қандай тўлов уни азобдан қутқара олмас)! Албатта (коғирлар ташланадиган дўзах ўз ҳарорати билан бош териларини сидириб олувчи бўлган) бир оловдир!» (Маориж: 15, 16).

«У ҳолда коғирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир» (Бақара: 24).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ёқаётган бу ўтларингиз дўзах ҳароратининг етмишдан бир бўллагидир. «Аллоҳга қасамки, бир бўллаги ҳам етарди, Ё Расулуллоҳ», дейилди. «Дўзах ўти ўша ҳолатига олтмиш тўқиз баробар кучайтирилгандир ва ҳар бири ўшанча ҳароратдадир», дедилар (Муттрафақун алайҳ).

«
» :
«
«
«
«
«
«



Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Дўзах аҳлидан бўлган, дунёда ҳисобсиз ноз-неъматлар берилган киши олиб келиниб, дўзахга бир ботириб олинади-да, ундан: «Эй одам боласи, (дунёда) бирон яхшилик кўрдингми? Сенга бирон неъмат берилганми?» деб сўралади. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ эй Роббим», дейди. Кейин жаннат аҳлидан бўлган, дунёда энг кўп мاشаққатни бошидан ўтказган киши олиб келиниб, уни бир марта жаннатга киргизиб чиқарилади-да сўнгра ундан: «Эй одам боласи, (дунёда) бирон бир мешаққат кўрганмидинг? Бошингга бирон бир қийинчилик тушганми?», деб сўралади. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки эй Роббим, ҳаргиз мешаққат кўрмадим ва бошимга бирон қийинчилик ҳам тушмади», дейди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллохнинг азоби шиддатли ва аламлидир. Дўзах олови ҳарорати дунёда биз билган оловдан етмиш баробар кучлидир. Аллоҳ таоло уни коғир ва осийлар учун жазо сифатида ҳозирлаб қўйган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Дўзах ҳароратининг шиддатли экани;
 2. У дунёдаги ўтнинг етмиштасига тенг экани.